ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

O'K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 26 май, жума № 89 (2138)

Ушбу сонда:

2 ҚОНУН БИЛАН ҲИМОЯЛАНГАНМИЗ

3 «ЧОТҚОЛ»ДАГИ УНУТИЛМАС ДАМЛАР

4 ШАРҚДАН ЧИҚҚАН ҚУЁШ

# «ПАХТАКОР» ФУТБОЛ ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

*Қадрли дўстлар!*

*Авваламбор, сизларни, сизлар орқали миллионлаб футбол мухлисларини бугунги қутлуғ сана - «Пахтакор» жамоасининг ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*«Пахтакор» деганда, биз ўзбек футболи тарихидан юксак ўрин олган, машҳур футбол юлдузларини ўз сафида мужассам этиб, ирода, қатъият ва маҳорати билан нуфузли халқаро мусобақаларда унутилмас ғалабаларни қўлга киритган кўпмиллатли, номдор спорт жамоасини тасаввур қиламиз. «Пахтакор» деганда, нафақат футболимиз, балки мамлакатимиз тарихи билан узвий боғланиб кетган, марказда бўладими, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимизда бўладими - бутун халқимиз қалбидан алоҳида жой эгаллаб, унинг фахру ифтихорига айланган, юртдошларимиз хотирасида муҳрланиб қолган машҳур футболчилар сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади.*

*Айнан «Пахтакор» жамоаси ўзбек футболининг етакчи намояндаси сифатида юртимиздаги ҳар қайси маҳалла ва мактабдаги минг-минглаб ёшларимизга ижобий таъсир кўрсатиб, унинг сафларида тўп сурган буюк футболчилардан ибрат ва намуна олган янги-янги футболчилар авлодининг етишиб чиқишига замин яратди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

*Ярим асрлик тарихи давомида «Пахтакор» зафарли онлар билан бирга, ҳаётнинг жиддий синов ва машаққатларини ҳам бошидан кечиргани, айниқса, 1979 йилги авиаҳалокат натижасида ўзининг энг кучли таркибидан жудо бўлганини барчамиз ҳалиҳануз изтироб билан ёдга оламиз. Ана шу навқирон спортчи ўғлонларимизнинг хотираси халқимиз қалбида ҳамон сақланиб келмоқда.*

*Бугунги кунда «Пахтакор» босиб ўтган мураккаб йўлни, бу жамоанинг нафақат Ўзбекистонда, балки мамлакатимиздан олисда жойлашган турли минтақа ва давлатларда ҳам тан олинганини, катта довруғ ва ҳурмат қозонганини эслар эканмиз, бизнинг энг муҳим вазифамиз - ўзбек футболи эришган ана шундай обрў- эътибор ва нуфузни тиклаш, унинг шонли тарихини муносиб давом эттиришдан иборатдир.*

*Мустақиллик йилларида юртимизда спорт соҳасига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида доимий эътибор берилаётгани туфайли миллий футболимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилаётгани жамоатчилигимизга яхши маълум. Миллион-миллион мухлислар, аввало ёшларимиз қалбида ҳайрат ва ҳаяжон, чексиз завқ ва қувонч туйғуларини уйғотадиган футболдек жозибали ўйин, таъбир жоиз бўлса, том маънодаги бетакрор санъатга интилишни юксалтириш, шакшубҳасиз, бугунги кунда спортни оммалаштириш ва соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтиришда ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган беқиёс таъсир ва аҳамиятга эга.*

*Шу нуқтаи назардан қараганда, яқинда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг бу борада нечоғлиқ муҳим аҳамият касб этишини изоҳлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.*

*Ушбу қарорда кўзда тутилган асосий мақсадлар - футбол клубларининг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг таркибига болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини киритиш, истеъдодли спортчи ёшлар захирасини ривожлантириш, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини янада кўтариш, стадионларни халқаро андозаларга мувофиқлаштириш, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, нуфузли беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни, мураббий ва мутахассисларни тайёрлаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш миллий футболимизни янги, замонавий босқичга кўтаришга хизмат қилади, албатта.*

*Энг муҳими, бундай ёндашув нафақат «Пахтакор» клуби, балки жойларда фаолият кўрсатаётган барча клублар ишини яхшилашда ҳам асосий мезон бўлиши, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, ҳаётини шу соҳага бағишлаган футбол фидойиларининг эзгу мақсад-муддаосига айланишини истардим.*

*Шу борада биз янгича асосда ташкил этилаётган Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг фаолиятига катта умид ва ишонч билан қарашга ҳақлимиз.*

*Азиз дўстлар, биродарлар!*

*Фурсатдан фойдаланиб, бугун 50 ёшини нишонлаётган «Пахтакор» жамоасининг шаклланишига, унинг спорт оламида кенг шуҳрат қозонишига катта ҳисса қўшган футболчи ва мураббийларга, мутахассис ва ташкилотчиларга, муҳтарам фахрийларимизга барча футбол мухлислари номидан чуқур ҳурмат- эҳтиром ва миннатдорлик изҳор этишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.*

*Барчангизни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор табриклар эканман, сизлар «Пахтакор»дек мамлакатимиз спорт тарихида ёрқин саҳифа яратган машҳур ва севимли жамоанинг шаънини юксак даражада сақлаб, унинг доимо ифтихоримиз тимсоли бўлиб қолиши учун билим ва тажриба, куч-ғайрат, салоҳият ва маҳоратингизни янада яққол намоён этасиз, деб ишонаман.*

*Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ФАРМОНИ

## «Пахтакор» футбол жамоаси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда футболни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Мамлакатимизда оммавий спортни кенг тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни, мураббий ва мутахассисларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:***

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Абдураимов Беродар** - Ўзбекистон футбол федерациясининг бўлим бошлиғи

**Арутюнов Сергей Артемович** - Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг мураббий- консультанти

**Инаятов Ахрал** - Республика олимпия захиралари коллежининг катта мураббийи

**Суюнов Виталий Баймурадович** - Республика олимпия захиралари коллежининг мураббийи

**Миллий футболимизни ривожлантиришдаги муносиб хизмати, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол ёш авлодни тарбиялаш ишига қўшган самарали ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «Шуҳрат» медали билан

**Азизходжаев Акмал Абдуазимович** - Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг консультанти .

**Агишев Равиль Рустамович** - Марҳум

**Ан Михаил Иванович** - Марҳум

**Аширов Олим Масалиевич** - Марҳум

**Базаров Сирожиддин Ахмедович** - Марҳум

**Баканов Константин Александрович** - Марҳум

**Денисов Геннадий Анатольевич** - Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг мураббийи

**Джалалов Нариман Джалалович** - Ўзбекистон футбол фахрийлари кенгаши раиси

**Ибрагимов Баходир Ходжиевич** - Пенсионер

**Исаков Туляган Ульмасович** - Пенсионер

**Ишбутаев Шуҳрат Мусинович** - Марҳум

**Красницкий Геннадий Александрович** - Марҳум

**Пшеничников Юрий Павлович** - Москва шаҳридаги Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийи

**Рахматуллаев Хамидулла Тургунович** - Марҳум

**Сабиров Владимир Валиевич** - Марҳум

**Солохо Вячеслав Васильевич** - Пенсионер

**Тазетдинов Идгай Борисович** - Марҳум

**Талибджанов Мансур Инамджанович** - Марҳум

**Фёдоров Владимир Иванович** - Марҳум

**Штерн Владимир Аронович** - Пенсионер

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 май

## *Республика касаба уюшма ташкилотларида*

### МАРКАЗИЙ КЕНГАШ ТУҲФАСИ

***Наманган шаҳридаги муҳандислик-педагогика институтида ёшларнинг чуқур билим олиб, танлаган касбларини ҳар томонлама пухта эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган. Жумладан, талабалар ётоқхонасидаги маиший хизмат шаҳобчалари, тиббий ёрдам пункти, ошхона ва кутубхона хизматидан кўпчилик мамнун.***

Куни кеча талабалар Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашидан совға олишди. Бу ерга 3 миллион сўмлик ётоқхона жиҳозлари келтирилди. Кенгаш бундай ҳомийлик ёрдамини келгусида ҳам давом эттиради. Хусусан, энг яхши кўрсаткичларга эришган талабаларга қўшимча стипендия жорий этилиб, талаба-ёшлар профилакторийсига бепул йўлланмалар ажратилади.

### ЖОЙЛАРДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

***Тошкент вилоятидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси юзасидан жамоатчилик назорати умумий мажлисда сайланган вакиллар томонидан амалга оширилмоқда. Айни вақтда вилоятда уларнинг сони уч минг нафарни ташкил этади.***

Вакиллар ўз фаолиятларини тасдиқланган режа асосида олиб боришяпти. Хусусан, улар иш жойларида меҳнат муҳофазаси талаблари қонун даражасида бўлишини назорат этишмоқда. Меҳнаткашларнинг махсус кийим-бош, пойафзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан тўлақонли таъминланиши каби масалалар шулар жумласидандир.

**Ўз мухбиримиз**

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ҚАРОРИ

## Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида

***Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:***

1. 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилсин, ер майдонлари ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни рўйхатга олиш бундан мустасно.

2. Қуйидагилар белгилансин: тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, юстиция органлари ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилади; ариза - хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

3. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда рўйхатга олувчи тузилмаларнинг моддий- техника базасини хатловдан ўтказсин ҳамда уни мустаҳкамлаш, жумладан, зарур хоналар, компьютер техникаси ва тегишли ахборот материаллари билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2006 йилнинг 1 сентябригача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар)лар давлат солиқ инспекциялари билан рўйхатга олувчи органлар ўртасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари берилганлиги тўғрисидаги тегишли сўровномаларни қабул қилиш ва ушбу ахборотни рўйхатга олувчи органларга узатиш учун электрон почта алоқаси ташкил этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси:

рўйхатга олувчи органларда тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш асосида давлат рўйхатига олиш учун зарур бўлган статистик кодлар келтирилган статистика классификаторлари мавжуд бўлишини таъминласин;

2006 йилнинг 1 сентябригача тадбирқорлик субъектлари томонидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатида айнан бир хил фирма номлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларни олиш сўровномаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун зарур моддий-техника базасини яратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси:

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин;

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини тушунтириш бўйича оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда мақолалар чоп этилишини таъминласин, телекўрсатувлар туркумини ташкил қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда минтақаларда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг асосий йўналишлари бўйича аҳолини ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви тегишли органлари ходимларини кенг жалб этган ҳолда семинарлар ўтказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар;

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 24 май

## *Ёзги соғломлаштириш*



# КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИГА АЛОҲИДА ҒАМХЎРЛИК

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ўқув марказида бўлиб ўтган семинар-кенгашнинг асосини ташкил этди

***Ёзги мавсум яқинлашди, дегунча юмушлар кўпаяди. Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш масалалари касаба уюшмалари билан биргаликда қатор мутасадди ташкилотларнинг энг муҳим вазифасига айланади. Хўш, келажагимиз ворислари ёзги таътилни соз ўтказишлари учун оромгоҳлар мавсумга ҳозирлаб қўйилганми? Аввалги йилларда кузатилган хато-камчиликлар барҳам топдими? Қандай ташаббуслар кўтариб чиқилди? Қандай янгиликлар бор? Табиийки, бугунги кунда кўпчиликни қизиқтираётган бундай ҳаётий саволларга семинар-кенгаш давомида аниқ ва лўнда жавоблар қайтарилди. Мавжуд муаммоларга биргаликда ечим изланди.***

Анжуманда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси раисининг ўринбосари Озода Мухитдинова 2005 йилда соғломлаштириш якунлари ҳамда 2006 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ўтказишда касаба уюшмалари ташкилотларининг вазифалари тўғрисида маъруза қилиб, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили бу муҳим ишга катта эътибор бериб келинаётганлигини мамнуният билан эътироф этиш баробарида касаба уюшмалари ва бошқа тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида атрофлича тўхталди.

Ҳар доимгидек, 2006 йилда ҳам болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми олдидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда ўтган йилги соғломлаштириш мавсумининг якунларини муҳокама этиш билан бирга жорий йилдаги болаларни соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар белгиланди. Мажлис қарорига мувофиқ мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли вазирликлар, идора ва муассасалар раҳбарларига топшириқлар берилди. Болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш ва дам олдиришнинг 2006 йилги режаси тасдиқланди. Республикамиздаги мавжуд болалар соғломлаштириш оромгоҳларига алоқа, электр энергия, газ, сув, коммунал ва автотранспорт хизмати кўрсатишда 50 фоизлик имтиёз белгиланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ташкил этилган Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш ташкилотчиларининг Республика семинар-кенгаши ҳам ана шу эзгу иш истиқболига хизмат қилади. Анжуманда тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашлари, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раислари, тегишли вазирлик, идора ва муассасалар раҳбарлари, болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари бошлиқлари иштирок этдилар.

2006 йилги соғломлаштириш мавсумида республикамиздаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 226 минг 500 нафар бола соғломлаштирилади. Мавсум давомида 600 га яқин болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, шу жумладан, 253 та шаҳардан ташқаридаги, 16 та санаторий туридаги, 2 та спорт-соғломлаштириш, 1 та меҳнат ва ҳордиқ оромгоҳи ҳамда 322 та мактаб қошидаги оромгоҳларнинг фаолият кўрсатиши кўзда тутилган. Яна бир гап: болаларни соғломлаштириш режасининг амалга оширилиши муносабати билан бугунги кунда вилоят ҳокимликларида оромгоҳлар, айниқса, мактаблар қошидаги оромгоҳлар сонини кўпайтириш масаласига ҳам муҳим эътибор берилмоқда. Бу янгилик асосан коллеж ва лицейлар базасида кундузги болалар оромгоҳларини ташкил этиш ҳисобига амалга оширилади.



Ҳар йилгидек, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида ҳам Оролбўйи минтақасидан, яъни Қорақалпоғистон Республикасидан 2.5 минг нафар, Хоразм вилоятидан минг нафар бола Тошкент шаҳри ва вилоятининг энг сўлим, баҳаво болалар соғломлаштириш оромгоҳларида имтиёзли равишда дам олиб, саломатликларини тиклайдилар.

Болаларни ёзги соғломлаштириш катталар олдидаги масъулиятли вазифа бўлиб, кўпчиликнинг умумий ишига айланганлиги семинар-кенгашда яна бир бор уқтириб ўтилди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари У.Мусаев, Ички ишлар вазири ўринбосари А.Қўлдошев, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошқаруви раиси ўринбосари М.Қуронбоев ва бошқалар ўз чиқишларида соҳа ходимлари олдида турган вазифаларга йиғилганларнинг эътиборини қаратишди. Оромгоҳларда ишни ҳар доимгидан ҳам пухта ташкил этиб, болаларни соғломлаштириш, кўнгилли дам олишларини таъминлаш мутасаддилар зиммасига катта вазифа юклаши яна бир бор таъкидланди. Семинар-кенгашда ўтган йили ишни намунали ташкил қилган оромгоҳлар диплом билан тақдирланди.

Куннинг иккинчи ярмида семинар-кенгаш дастуридан ўрин олган «Давра суҳбати» бўлиб ўтди.

— Тадбирдан катта таассурот олдим, — дейди биз билан суҳбатда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Исоқ Аҳмедов. — Семинар-кенгаш ишимизни анча енгиллаштирди.

Ҳадемай барча оромгоҳлар болаларнинг шодон кулгуларига тўлади. Бу ердаги кўнгилочар ўйинлар ва бир-биридан қизиқарли тадбирлар уларнинг ҳаётида узоқ сақланиб қолиши учун эса барчамиз масъулмиз.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

*Касаба уюшма тадбири*

# «ЧОТҚОЛ»ДАГИ УНУТИЛМАС ДАМЛАР

***Меҳнаткашларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилишнинг аҳамияти нечоғли катта эканлиги исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир. Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг тармоқ вакиллари ўртасида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий спартакиада бу сафар Тошкент вилоятидаги сўлим тоғ ёнбағрида жойлашган «Чотқол» санаторийсида очилди.***



**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**

Мусобақалар ўзгача бир кўтаринки кайфиятда бошланди. Иштирокчилар стритбол, стол тенниси, енгил атлетика, оилавий жамоалар баҳси, шахмат ва шашка турлари бўйича ўзаро беллашишмоқда. Қизғин ва муросасиз курашларга бой тарзда кечаётган баҳслар давомида рақиблар ўртасида самимий ва дўстона муносабат устуворлик қилмоқда. Бинобарин, тадбирдан кўзланган мақсад-муддао ҳам шу: спорт орқали фикрлар уйғунлигига эришишдир.

— Мусобақаларнинг шундай ажойиб масканда ўтказилаётганлиги руҳимга куч бағишлади. Мусаффо ҳаво, теварак-атрофнинг гўзаллиги — барча-барчаси спорт баҳсларида фаол қатнашиб, саломатлигимизни мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса қўшади. Қолаверса, мазкур тадбир туфайли янги-янги дўстлар орттираётганимиз янада қувончлидир, — дейди Хоразм вилояти вакили Холниса Бардамова.





Бундан ташқари, кечки пайтда қатнашчилар учун кўнгилочар маданий тадбирлар уюштирилмоқда. Улар шўх куй-қўшиқлар оғушида яйраб рақсга тушиб, бир олам таассуротга эга бўлишмоқда.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири**

AFC FUTSAL CHAMPIONSHIP UZBEKISTAN 2006

# ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ - ВАКИЛЛАРИМИЗ ЯРИМ ФИНАЛДА!

***Мухлислар орзиқиб кутаётган навбатдаги жаҳон чемпионати арафасида мамлакатимизда ҳам футбол нафаси баралла уфуриб турибди.***

Кеча юртимиз футбол ҳаётидаги энг ажойиб байрам шоду-хуррамлик билан тантана қилинди. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўзининг эллик йиллик тўйини нишонлади. Ярим аср муқаддам дастлабки учрашувини Москванинг «Торпедо» жамоасига қарши ўтказган вакилларимиз шунча фурсат ўтиб яна ушбу жамоа билан майдонга тушдилар. Хуллас, футбол байрами кўпчиликнинг ёдида бир умр сақланиб қолиши аниқ. Ташкилотчилар байрамни кўнгилдагидек ўтказиш учун бор имкониятларни ишга солишди.

Яна бир қувончли воқеа пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуасида давом этаётган футзал бўйича Осиё чемпионати баҳсларида содир бўлди.

Ўзбекистон терма жамоаси футзалчилари гуруҳдаги сўнгги учрашувни Хитой вакилларига қарши ўтказиб, 4:1 ҳисобида зафар қучдилар. Гуруҳ ўйинларида 3 ўйиндан 9 очко жамғарган Шавкат Абдураимов шогирдлари ярим финалда Қирғизистон терма жамоасига қарши майдонга тушади. Бошқа ярим финалда Эрон-Япония терма жамоалари орани очиқ қилишади.

Финал учрашувлари 27 май куни бўлиб ўтади.

**Абдулҳай ЮНУСОВ**

*Маданият хабарлари*

## ТЕАТРДА РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон Ёшлар театри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида энг истеъдодли ижодий жамоаларидан бирига айланиб қолди. Жамоанинг чет эл гастроллари ҳам муваффақиятли ўтмоқда.

Ана шуни инобатга олиб ёш театрларнинг навбатдаги республика фестивалини мазкур санъат даргоҳида ўтказиш мўлжалланмоқда.

Ижрочилик ва маҳорат кўригида театр Алишер Навоий достони асосида саҳналаштириладиган «Қуш тили» асари билан қатнашади.

## ИЖОДИЙ МАВСУМ ТАРАДДУДИ

Тошкентдаги Рус академик драма театри репертуари бойиб бормоқда.

«Гоголни ижро этамиз», «№14 ёхуд ҳаёт гўзал» каби саҳна асарлари ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда.

«Барчасига ҳақ тўланган» деб номланган спектакл эса яқин орада саҳна юзини кўради. Франциялик томошабинлар эътиборини ўзига тортган бу асарда бугунги кун воқеалари бадиий ифодасини топган.

Атоқли испан драматурги Альвар Мартеснинг асари асосида саҳналаштириладиган навбатдаги постановка ҳам янги ижодий мавсумда томошабинларга тақдим этилади.

## ҚИЗИҚАРЛИ ЎТГАН КИНОФЕСТИВАЛ

Машҳур рус кинорежиссёри Александр Роунинг болаларга бағишланган кўплаб экран асарларини кўргансиз. Ана шу атоқли санъаткор таваллудининг юз йиллиги Республикамизда ҳам нишонланди. Тошкентда «Киноматографияда рус эртаклари» деган мавзуда кинофестивал уюштирилди. Ушбу фестивал дастуридан кинорежиссёрнинг эртаклар асосида суратга олган бир неча филми ўрин олди. «Морозко» деб номланган саҳна асари ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотди.

**А.АЛИЕВ**

# МАСЛАҲАТХОНА

## ТЎЛИҚСИЗ ВА ҚИСҚАРТИРИЛГАН ИШ ВАҚТИ

***Савол: ходимларга тўлиқсиз иш вақти ва қисқартирилган иш вақти ўрнатилиши ҳамда бу иш вақтлари учун ҳақ тўлашнинг тартиблари тўғрисида маълумот берсангиз.***

**А.ЙЎЛДОШЕВ,
Сариосиё туман марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

**Жавоб:** Меҳнат Кодексининг 115-моддасига мувофиқ ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан МКнинг 119-моддасига асосан ишга қабул қилиш вақтида ёки кейинчалик иш давомида ҳам ходимга тўлиқсиз иш куни ёхуд иш ҳафтаси белгиланиши мумкин. Бунда, агар ходим қонун бўйича ҳафтасига қирқ соат ишлайдиган бўлса, унга ҳафтасига ўттиз соатлик ёки 20 соатлик иш вақти ўрнатилади. Ходимнинг иш ҳафтаси беш кун ўрнига уч кун ёки тўрт кун деб ҳам белгиланиши мумкин. Бунинг учун ходимнинг аризаси асосида буйруқ чиқарилиб, унинг нусхалари ходим ишлаётган бўлимга ва муассаса бухгалтериясига тақдим этилади.

МКнинг 229-моддасига биноан иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор, 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлга, шу жумладан, ҳомиладорлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбур.

Ногирон боласини тарбиялаётган ота ёки онага бола 16 ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан иш ҳақи сақланган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.

Иш берувчи ёдда тутмоғи зарурки, тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирор-бир тарзда чеклашга асос бўлолмайди. Тўлиқсиз иш вақтида ишлаётган ходимларга ишлаган вақтига ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотига мутаносиб равишда ҳақ тўланади. Агар ходим ҳафтасига 40 соат ишлаш ўрнига 20 соат ишлаган бўлса, у фақат ишлаган 20 соати учун ҳақ олади.

Айрим тоифадаги ходимлар учун меҳнат шартномаси ва жамоа шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақ камайтирилмасдан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади:

— ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган;

— ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлганлар учун ҳафтасига 24 соатдан ошмайдиган;

— I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган;

— меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимлар учун ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган иш вақти белгиланиши шарт.

1999 йил 14 апрелдаги қонунга асосан уч ёшга тўлмаган болалари бўлган, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасаларда ишлаётган аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган иш вақти белгиланади. Мазкур қонун асосида Меҳнат кодексига янги 228-1-модда қўшимча киритилиб, унга мувофиқ муассасаларнинг идора ходимлари ҳафтасига МКнинг 115-моддасида белгиланганидек, қирқ соат ишлаш ўрнига уч ёшгача боласи бор аёл тўлиқ иш ҳақи олган ҳолда беш соат кам ишлаш ҳуқуқига эга. Агар имтиёздаги аёл тиббиёт ходими бўлса, у ҳафтасига фақат бир соатга (МК 118-моддаси), яъни 36 соат ўрнига 35 соат кам ишлайди.

МКнинг 118-моддасида юқори даражадаги ҳиссаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Барча тиббиёт ходимларига иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтасига 36 соатлик иш вақти белгиланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 24 мартдаги 131-сон буйруғи чиқарилган.

***Карим МУХТОРОВ**, ҳуқуқшунос*

*2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*



# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Оққўрғон туманида ҳам тиббий хизматни юқори савияга кўтариш, эл соғлигини мустаҳкамлаш йўлида бир қатор ибратли тадбирлар бажарилаяпти.

Жумладан, Алишер Навоий, Акмал Икромов, Султон Сегизбоев ҳамда Ҳамид Олимжон номли хўжаликлар ҳудудида жойлашган 4 та қишлоқ врачлик пунктлари маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан қайта реконструкция қилиниб, керакли тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шунингдек, Марказий шифохонадаги юқумли касалликлар, тез тиббий ёрдам бўлимлари ҳам таъмирдан чиқарилди. Бу мақсадлар учун 89 миллион сўм маблағ сарфланди. «Саломатлик-2» дастури бўйича иш олиб борилиб, 12,5 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар ҳам олинди.





**А.ХУДОЁРОВ олган суратлар**

Ҳозирги вақтда 157 нафар шифокор, 926 нафар ўрта тиббиёт ходимлари хизматидан ҳудудда истиқомат қилаётган 89 минг нафар аҳоли баҳраманд бўлмоқда.

***Суратларда:** ҳамширалар Насиба Дўсанова, Азиза Қобулова ҳамда Лутфия Ўлмасова; туман марказий шифохонаси бош ҳакими Умарали Эргашев; тез тиббий ёрдам бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди Латиф Қосимов ва болалар шифокори Турсунбой Душабоев.*

*Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак*

# БАРАКА ТОПИНГ

***2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинганлиги «29-Меҳрибонлик уйи» жамоасини ҳам қувонтирди.***

Бугунги кунда муассасамизда 114 нафар етим бола тарбияланмоқда. Шулардан 45 нафарини қизлар ташкил этади. Тарбияланувчиларга 25 нафар ўрта махсус ва олий маълумотга эга бўлган педагог-мураббийлар сабоқ бермоқда. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан капитал реконструкция ишлари режага киритилиб, дастлабки қадам — спорт зали қурилиши бошлаб юборилди. Яқинда Халқ таълими вазирлиги 3 миллион, вилоят молия бошқармаси 1 миллион сўмлик хомийлик кўмагини кўрсатишди. Шунингдек, «Меҳрибонлик уйи»миз «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармасидан 3 миллион сўмлик кийим-кечак, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасидан 300 минг сўмлик зарур дори-дармонлар қабул қилиб олди. Ҳимматли, саховатли ҳомийларимиз юртимизда кўп. «Жиззахдонмаҳсулотлари», «Жиззахпахтасаноат», «Жиззахавтойўл» каби корхоналар шулар жумласидандир.

Тарбияланувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида тўгараклар ташкил этилган. «Юмшоқ ўйинчоқлар тикиш», «Ашула ва рақс», «Моҳир ҳунарманд», «Чилангар уста», «Қўғирчоқлар театри» каби машғулотлар уларнинг жон-дили. Ҳадемай ёзги таътил бошланади. Буни инобатга олган мутасаддилар сўлим ва баҳаво Зоминда жойлашган «Лочин» болалар оромгоҳида таъмирлаш ишларини ниҳоялашмоқда.

Шубҳасиз, муассасамизнинг жўшқин ҳаёти фидойи, ўз касбининг устаси бўлган педагог-мураббийларимиз иш фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Чунки улар болаларга ота ўрнида ота, она ўрнида онадир. Шоҳиста Тожибоева, Махфират Қобилова, Наргиза Мамараҳимова, Олга Шишнёва, Мария Дубовихина каби тарбиячи ва ходимлар муассасанинг фахри ва ифтихори саналади. Мақсадимиз — шикаста қалбларга малҳам бўлиш, уларни яхши инсонлар қилиб тарбиялаш.

**Раъно ЮСУПОВА,
Жиззах вилояти «29-Меҳрибонлик уйи» раҳбари,
Халқ маорифи аълочиси**

*Ҳуқуқий билимлар — оммага*

# МУҲИМ ОМИЛИ

**бир-бирини қандайдир муҳтожликдан холи этадилар. Шунингдек, у ёмон ишларни қилувчиларга ҳам, яхши ишларни рўёбга чиқарувчиларга ҳам баҳо бериши зарур. Бунинг учун олий қонуншунос ва ҳакамни тан олиш зарурки, инсонлар ўз фаолиятларида уларнинг ҳукмларидан фойдалансинлар".**

Аллома оила ва никоҳ масалаларига ҳам тўхталиб ўтади. Шу муносабат билан эркак оила бошлиғи сифатида оиланинг барча талабларини қондиришга бурчли эканлигини таъкидлаб, қуйидаги талабларни қўяди: Эр хотинни ҳамиша ҳурмат қилиши керак; хотинига нима ваъда берса, албатта уни бажариши лозим. Айни пайтда аллома аёлларга қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши кераклигини уқтиради: Хотин киши билимли, уятчан, шарм-ҳаёли; табиатан жасур ва сабр-тоқатли, ўз эрини севадиган ва ҳурмат қиладиган, тўғри сўз, камтар ва фаросатли, ҳеч вақт ўз шаънига доғ туширмайдиган, ўз вазифаси ва бурчини яхши биладиган, рўзғордаги нарсалардан тўғри, тежамкорлик билан фойдалана оладиган бўлиши керак.

Таъкидлаш жоизки, Абу Али ибн Синонинг жамият ва инсон, давлат ва ҳуқуқ, жиноят ва жазо, оила ва никоҳ ҳақидаги қарашлари асосида адолатпарварлик ғоялари ётади. Шундай қилиб, алломанинг педагогик қарашлари ила ҳуқуқий асослашларидаги уйғунликни кўрамиз.

Тарбиясиз ва ахлоқий жиҳатни назарга олмаслик, ҳуқуқий талабларнинг бажарилмаслиги жамиятда салбий тарзда намоён бўлиб, жазога олиб келиши мумкинлиги Синонинг ғоявий фикрларида ўз аксини топган.

Шунингдек, буюк саркарда миллий давлатчилигимизнинг асосчиси, Соҳибқирон Амир Темур "Тузук"ларидаги айрим ҳолатларни келтиришимиз мумкин. Салтанатим мартабаси бўлмиш тўра-тузуклар ва қонун-қоидаларни ўн икки тоифага боғлаб туздим, дейди у. Биз қуйида биринчи тоифасини олиб, шунга айрим мулоҳазаларимизни билдирамиз. **"Биринчи тоифа - сайидлар, уламо, шайхлар ва фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доимо келиб-кетиб, мажлисларимни безаб туришди. Диний, ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди. Ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни мен улардан ўргандим".**

Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқ педагогикаси аждодларимиз тарихи каби қадимий бўлиб, жамиятда тарбия ва ахлоқий талаблар қўйилган дамлардан буён ўз вазифасини бажариб келмоқда. Ушбу маънода бугунги қонуншунослигимиз ва педагогикамизнинг азалий муштараклигини ҳисобга олиб, ҳуқуқ педагогикасини яратиш ва уни ҳуқуқшунослик мутахассисликлар гуруҳларида ўрганишни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқий маълумотини ошириб боргани сайин, унинг ҳуқуқий-демократик жамият қуришдаги ўрни, мақсад ва вазифалари аниқ ифода қилина боради. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, тарбиянинг пойдевори бўлмиш педагогик қарашларимиз ўзининг ҳуқуқий кафолатини таъминлайди. Бу эса ҳуқуқнинг асл мақсад-моҳиятини ифода қилган бош Қомусимизда ҳам эътироф этилган. Демак, ҳуқуқий педагогика ҳозирги пайтда нафақат таълим-тарбия йўналишида, балки жамият ҳаётида ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишидан келиб чиқадиган талаблар ҳам ҳуқуқий педагогика йўналишини мукаммал ўрганишни тақозо этади.

**Шахло НИЁЗОВА,
Тошкент вилояти Давлат педагогика институти катта ўқитувчиси,
Собиржон СОТИБОЛДИЕВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети магистранти**

*Қилмиш-қидирмиш*

# НАФС БАЛОСИ

***Ҳаёт деганлари гўё оқар сув. У инсонга бир бора ато этилади-ю, кўз очиб юмгунча ўтади-кетади. Кимдир унинг қадрига етади, кимдир эса йўқ.***

***Урганч шаҳрида яшовчи М.Матқурбонов ҳам бетакрор дамлар қадрига етмайдиганлардан чиқиб қолди. Бошқача айтганда. У бошқалар қатори ҳалол меҳнат билан кун кўришни ўзига эп билмади. Нафс балосига йўлиқиб, жиноят кўчасига қадам қўйди. Бу билан у ўз умрини хазон қилаётганини ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Мўмай даромад илинжида бир неча бор судланган таниши Қ.Жуманов билан ўзаро жиноий тил бириктиришдан ҳам қайтмади.***

Шундан сўнг пухта пиширилган режа асосида икковлон «Хоразмтелеком» филиалига қарашли кабелларни ўғирлаб сотишга киришишди. Ишнинг хамирдан қил суғургандай амалга ошаётгани уларни янада руҳлантириб юборди. Қанчадан-қанча одам телефон хизматисиз қолаётгани уларни қизиқтирмасди ҳам. Ўғирликда пихини ёрган бу кимсалар ҳаш-паш дегунча бир неча километрлик кабелни ўмариб, сотишга улгуришди.

Текин даромаддан чўнтаги қаппайиб қолган М.Матқурбонов навбатдаги жиноий ҳаракатини таниши Қ.Мадраҳимов билан давом эттирди. Гуруҳ аъзолари кабелларни бозорда пуллашнинг ҳам осон йўлини топишганди. Яъни улар ҳар сафар харидорга ўзларини «Хоразм Телеком»да ишлаймиз, деб таништиришар ва маҳсулотни пуллашгач «қуён» бўлишарди. Ана-мана дегунча «Хоразмтелеком» филиалига ўғрилар айби билан 1 миллион 322 минг 614 сўм миқдорида зарар етказилди. Шундай кунларнинг бирида нима бўлди-ю иш чаппасига кетди. Давлат ва халқ манфаатига миллионлаб зарар етказаётган ўғриларнинг қилмиши ошкор бўлди.

Шунингдек, Шовот туманида яшовчи М.Боқиев ҳам сўнгги пайтларда ўзгалар ҳисобига яшашни одат қилиб олганди. У туманнинг К.Отаниёзов кўчасида жойлашган Гавҳар Курбоновага тегишли хусусий дўконнинг дераза панжарасини бузиб кириб, 323 минг 318 сўмлик ўғирлик содир этади.

Жиноий ҳаракатидан ҳеч ким хабар топмаганига ишонч ҳосил қилгач, маълум фурсат ўтказиб яна Г.Курбоновага тегишли ўша дўконга келади. Дўконнинг деворини тешиб кириб, бу сафар 173 минг 963 сўмлик мол-мулкни қўлга киритади. Бундан кўнгли тўлмаган М.Боқиев тумандаги «Гулистон» фермерлар уюшмаси томон йўл олади. Фуқаро Қ.Матякубовга тегишли газ тақсимлагичнинг эшигидаги қулфни бузиб, баҳоси 85 минг сўмлик регуляторни ўғирлайди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганлари шу бўлса керакки, М.Боқиевнинг бундан-да кўнгли таскин топмайди. Шундан сўнг у «Анушахон» кўчасининг 7-уйида яшовчи фуқаро Г.Қўшчановнинг омборхонасида турган 130 метрлик ток ўтказгич кабелини ҳамда бошқа баъзи нарсаларни ўғирлаб, унга 361 минг сўм зарар етказади.

Жиноий ҳаракатлар тафсилотлари билан танишар эканмиз, ўғрига керакмас нарсанинг ўзи бўлмас экан, деган хулосага келамиз. Фикримиз исботи сифатида Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан судланган Ёдгор Машариповнинг қилмишларини келтириш ўринлидир. У жиноий ҳаракати давомида ўзи ташриф буюрган хонадондаги катта қийматга эга буюмлар қаторида махси-калишдан тортиб, уй-рўзғор анжомларини ҳам ўмаришни эсдан чиқармади. Урганч шаҳрида яшовчи фуқаро А.Асқарованинг уйида мавжуд бўлган жамики ярoқли нарсани қўлга киритди. Шу тариқа шериги Ш.Жуманиёзов билан хонадон эгасига 251 минг 600 сўм зарар етказди.

Инсоф-диёнат бўлмаса қийин экан. Мана масалан, биз юқорида номини тилга олганимиз М.Боқиевни олайлик. Ҳар гал у суд жараёнида тавба-тазарру қиларди-ю бир зумда ҳаммасини унутарди. Нафсини жиловлашга қурби етмаганданми яна жиноятга қўл урaверарди. Ростданми, ёлғонданми, ҳар ҳолда бу галги қилмишидан ҳам афсусланганлигини билдириб, ўзига енгилроқ жазо тайинланишидан умидвор бўлди. Лекин жиноятга жазо муқаррар. Сўнгги пушаймондан фойда йўқ.

**Р.САЙДАХМЕДОВА, «Ишонч» мухбири**

# ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

***Кеча республикамиздаги барча билим масканларида сўнгги қўнғироқ садолари янграб, минглаб ўқувчилар мактаб билан хайрлашдилар. Олдинда эса синовлар, янги ҳаёт... Қалби ҳаяжонга тўла ўғил-қизлар ўзлари хоҳлаган олий ўқув юртларига киришга, ҳунар эгаси бўлишга ҳаракат қилишади.***



Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 244-умумтаълим мактабида ҳам ушбу тадбир эсда қоларли ва катта таассуротлар билан ўтди. Байрамона безатилган даврага 11-синф битирувчилари мусиқа садолари остида кириб келдилар. Жажжи ўғил-қизлар уларга эҳтиром ила гулдасталар тақдим этишди.

Тадбирда Республика таълим маркази директори Ислом Зокиров қатнашиб, битирувчиларни катта ҳаёт йўлига қадам қўйишаётгани билан табриклади.

— Устозлар учун шогирд камолидан улуғ бахт йўқ. Ўқувчингни меҳр билан тарбиялаб, илм ўргатиб, мустақил ҳаёт гулшанига кузатишнинг ўзи қалбимизга ўзгача сурур бағишлайди,— дейди мактаб директори Феруза Мадаминова. — Ниятимиз, ёшларимизнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнини топсин, ватани, халқига муносиб, мустақилликка хизмат қилувчи комил инсонлар бўлиб етишсин.



— Бугунги кун ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлиб қолади,—дейди битирувчи Олесья Гончарова.— Меҳрибон устозлардан олган сабоқлар келгуси ҳаётимизда дастуриламал бўлади. Орзуим шифокор бўлиб, эл саломатлигини асрашдек улуғ ишга ҳисса қўшишдир.

— Болаликнинг энг файзли онлари мактаб қучоғида ўтди, — дейди Азиз Абдураҳмонов. — Бизга таълим берган устозларимиздан бир умр миннатдормиз. Уларнинг ўгитлари бизни ҳамиша эзгуликка руҳлантириб туради.

Бу йил мактабни 204 нафар ўғил-қиз битиради. Ишонамизки, қалби бир олам орзуга тўла бу ёшлар мустақил юртимизнинг истиқболи янада фаровон бўлиши учун ўзларининг муносиб улушларини қўшадилар.

**Одил ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# КЕЧИРИБ ҚЎЯСИЗ...

## (Машҳур кишиларга ҳазил — «раддия»лар)

**Шопенгауэр** — "Бахтимизнинг ўндан тўққиз фоизи саломатлигимизга боғлиқ!"

Мен — Жаноб Шопенгауэр, кечириб қўясиз! Бу маълум гап. Чунки биз эсимизни танигандан бери "Саломатлик бўлсин!" деб қадаҳ кўтарамиз.

* * *

**Эпиктет** — "Душманингиздан ўч олишнинг йўлини ўргатайми? Бунинг учун унга кўпроқ яхшилик қилинг"

Мен — Жаноб Эпиктет, кечириб қўядилар! Биз ҳали жуда унақа даражада эсимизни еганимизча йўқ.

* * *

**Гёте** — "Жанжаллашаётган икки одамнинг қайси бири ақллироқ бўлса, жанжалнинг айбдори ўша".

Мен — Кечириб қўясиз, жаноб Гёте. Менинг хотиним бу фикрингизга қўшилмайди.

* * *

**Александр Дюма** — "Инсониятнинг бутун ақл-идроки икки оғиз сўзда мужассамлашгандир: "Кутмоқ ва умид қилмоқ керак!".

Мен — Мсье Дюма, кечириб қўядилар! Бу гапларингизни менимча бухгалтерия эшигига осиб қўйиш керак.

* * *

**Антон Чехов** — "Биринчи пардада деворда осиғлиқ милтиқ сўнгги пардагача албатта отилиши керак".

Мен — Антон Павлович, кечириб қўясиз, агар ўша милтиқ бутафория цехига қарашли, яъни ёғоч ё пластмассадан ишланган бўлса икки дунёда ҳам отилмайди.

* * *

**Эрнест Хемингуэй** — "Инсонни енгиб бўлмайди!"

Мен — Мистер Хемингуэй, кечириб қўясиз! Қўл остидагиларни нафақат енгиб, балки янчиб ташлашни хўжайинимиз Тўра Тўраевичдан сўранг!

* * *

**Саид Аҳмад** — "Ҳеч бир инсон оёқ тагига қараб яшамайди. Уфқларни мўлжалга олиб юради..."

Мен — Устоз, кечириб қўясиз! "Агар банк, бухгалтерия, валюта айирбошлаш шохобчалари, омонат касса деган жойлар ана ўша уфқ тарафда бўлса" деб жиндай таҳрир киритсам майлими?...

**Эркин УСМОНОВ**

# БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

*Ҳарчанд ўқибсен — илмдонсан,*
*Агар амал қилмадинг, нодонсан.*
*Устига китоб ортилган эшак,*
*На олим ва на донодир, бешак.*

**Саъдий ШЕРОЗИЙ**

**Шамдек бўл, шамни кўр куйиб қалбу тан,**
**Ўзгалар базмини қилади равшан.**
**Булут бўл, сув бериб куйганда ёмғир,**
**Гулни ҳам, хасни ҳам суғорар бир-бир.**
**Ҳаммага омонлик истагувчи бўл,**
**Шунда адоватга қолмағай ҳеч йўл.**

Абдураҳмон ЖОМИЙ

*Агар қилча низо бўлса одамда,*
*Йўқолур осойиш, тартиб оламда.*
*Юз хумда тиниқ сут бўлса, барини —*
*Ачитар ним томчи сирка бир дамда.*

**БЕДИЛ**

**Одамдан юқори тураркан олам,**
**Билим оширмоққа муҳтождир одам.**

А.РУДАКИЙ

*Ким биров дилини ситам-ла тилди,*
*У ўз вужудин ярадор қилди.*

**Фаридиддин АТТОР**

## Турфа олам

***Қадимги юнон диёрида уюштирилган дастлабки олимпиада ўйинлари тўғрисида кўплаб афсоналар яратилган.***

# ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ТАРИХИДАН

Шу ўринда Пелопс ривоятини айтиб ўтиш жоиздир. Бу афсонага кўра, олимпиада ўйинлари эрамиздан олдинги IX асрда бошланган.

Зеро, бу даврда тинимсиз ва оғир урушлар грек давлатларининг тинкасини қуритган эди. Кичик грек давлати ҳисобланган Элид шоҳи Ифит урушларга барҳам бериш мақсадида Дельфага йўл олади. У Грециядаги кичик подшоҳликларнинг барчасини бир жойга тўплайди.

Эрамиздан олдинги 884 йилда Олимпиа тоғида спорт мусобақаси ўтказилди. Ана ўша кундан бошлаб Грециядаги барча кичик давлатлар ўртасида тўрт йилда бир маротаба Олимпия мусобақасини ташкил этиш расм бўлди.

Мусобақалар дастури эса ярим ҳарбий кураш турларидан иборат эди. Енгил атлетика, жанг аравалари пойгаси, найза улоқтириш, камондан нишонга ўқ узиш каби турлар шу пайтларда оммалаштирилди.

Мусобақалар дастлаб бир кун, кейинчалик бир ой давом этадиган бўлган. Беллашувлар одатда буғдой ўрими ва узум терими орасида ўтказиларди.

Ғолиблар эса зайтун меваси ва лавр баргидан ясалган гулчамбар билан тақдирланганлар.

**А.АКБАРОВ**
**тайёрлади**

# ШАРҚДАН ЧИҚҚАН ҚУЁШ

## ёхуд Гёте улуғлаган «муқаддас Ҳофиз»

***Хожа Ҳофиз номи билан жаҳоний шуҳрат қозонган Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий 1326 йили туғилган. Ҳофизга берилган Хожа сифати шоирнинг айнан савдогарлар табақасига мансублигини билдиради. Унинг асл исми - Муҳаммад, лақаби - Шамсуддин, тахаллуси - Ҳофиз. Отаси ёш ўлиб, оила танг аҳволга тушиб қолгандан кейин уни бир новвойга шогирдликка берадилар. Ёш Муҳаммад ярим тундан то тонгга қадар нон учун ҳамиртуруш тайёрлар эди.***

У минг машаққат билан топган пулини учга тақсимлаб, бир қисмини онаси билан ўзининг тирикчилигига ишлатар, иккинчи қисмини таҳсил олишга сарфлар, учинчи қисмини бева-бечораларга хайру эҳсон қилар эди. Зеҳни ўткир бўлганлигидан тез орада фиқҳ, ҳадис, араб тили ва адабиёти, Қуръон ва унинг тафсирини мукаммал ўзлаштиради. Ҳофиз шеърларини синчиклаб ўрганар эканмиз, унинг билим доираси ниҳоятда кенглигини, шоирнинг ўша даврдаги кўп фанлардан жуда яхши хабардор эканлигини кўрамиз.

***Сен — тўлган ой-у, сенга қуёш банда эмиш,***
***То банда эмиш ўшал - равшан-да эмиш.***
***Бир чеҳраки, офтоб нур эмиб шуъласидан,***
***Ой ҳам илибон ёғду билан шаън-да эмиш.***

Ёш Муҳаммад маърака-йиғинларда Қуръонни, қиссахонлик кечаларида халқ китобларини ёқимли овозда ўқиб бериб, рўзғор тебратади. Шунинг учун ҳам уни Ҳофиз деб улуғлайдилар ва бу ном кейинчалик шоирнинг адабий тахаллусига айланиб кетади. Ҳофизни тарбиялаган ва элга танитган ана шу давралар бўлади. Бўлажак шоир ушбу давраларда баъзан ўз ижодидан намуналар ўқир эди. Лекин унинг шеърий машқлари ҳали хомлиги ва қиёмига етмаганлигидан кўпинча танқидга учрар, шинавандаларнинг ҳазил - мазахларига сабаб бўлар эди. Уни баъзан эрмак қилиш учун бундай давраларга атай чақирганлар. Бу таҳқирлардан безган Муҳаммад бир куни машҳур шайх ва шоир Бобо Кўҳий қабрини зиёрат қилиб, ўзининг шўр бахтидан ўксиб-ўксиб йиғлаганича мозор бошида ухлаб қолади. Тушига бир нуроний зот кириб:

— Йўлга туш, сенга илм эшиги очилди, — дейди. Ҳофиз кўзини очар экан, тилида қуйидаги матлали ғазал айланади:

***Дўш вақти саҳар аз ғусса нажотам доданд,***
***В-андар он зулмати шаб оби ҳаётам доданд.***

Мазмуни: "Кеча саҳар палласида мени қайғудан халос айладилар ва у зулмат тунида менга оби ҳаёт тутқаздилар".

Авлиё зиёратдан қайтар экан, йўлда яна шинавандалар йўлиқадилар ва бирор-бир янги шеър ўқиб беришини сўрайдилар. Шоир ушбу ғазалини ўқир экан, ҳамма ҳайратдан ёқа ушлайди. Унга ишонмай, имтиҳон қилиб кўрадилар. Лекин у барча синовлардан муваффақиятли ўтади. Шу-шу у Хожа Ҳофиз номи билан машҳур бўлиб кетади.

Барча машҳур кишилар каби Ҳофиз ҳаёти ҳам афсона-ривоятларга кўмилган. Шоир билан боғлиқ яна бир машҳур афсона унинг соҳибқирон Амир Темур билан учрашувидир. Бу учрашув кўпгина илмий ва адабий асарларда қайд этилган. Эмишки, Ҳофизнинг:

***Агар кўнглимни шод этса,***
***ўшал Шероз жонони,***
***Қаро холига бахш этгум***
***Самарқанду Бухорони, —***

***Ким кўрди у ёрдан вафо - мен кўраман?***
***Ким кўрди жафодан сафо - мен кўраман?***
***Умримсан-у, аммо бевафосан, не қилай,***
***Ким кўрди умрдан вафо - мен кўраман?***

деган машҳур байтини эшитган Амир Темур Шерозга келганида шоирни ҳузурига чорлаб:

— Мен Самарқанд ва Бухорони обод ва маъмур қилиш мақсадида бир умр жангу жадал олиб бориб, дунёнинг ярмини эгаллаган бир пайтда сен салтанатимнинг бу икки муаззам шаҳрини бир гўзалнинг холига ҳадя этишга қандай журъат этдинг?! — дейди.

– Азбаройи қўлим очиқлигидан шу аҳволга тушдим-да, — дейди шоир унга жавобан ўзининг жулдур усти - бошига ишора қилиб.

Бу жавобдан Амир Темурнинг қаҳри меҳрга айланиб, Ҳофизга қимматбаҳо туҳфалар берган экан.

Бу ривоят, бир томондан, Ҳофизнинг фақирликда яшагани, айни пайтда, машҳур шоир бўлганини, иккинчи томондан, Темурнинг донишманд ҳукмдор эканию илми адаб аҳлини қадрлаганини кўрсатади. Ҳофиз Шарқда шунчалик шуҳрат топганки, уни муқаддаслаштириб, девонини илоҳийлаштириб, фол китобига айлантирганлар. Шерознинг Мусалло боғидаги қабри устида унинг девони қўйилган ва шоир зиёратига келганлар китобни очиб, ҳаётлари ҳақида маълумот оладилар. Камина ҳам 2002 йили Шерозда бўлганимда Ҳофизга чексиз ихлосим туфайли шоир девонини очиб кўрдим. Қуйидаги мазмундаги ғазал чиқди:

"Йилларки, мен ўз мақсадимга эришиш йўлида бирор кун тиним нималигини билмайман. Ҳар лаҳза яхшилик билан ном чиқариш умидида ҳаракат қиламан".

Ушбу ғазал менинг ҳозирги ҳолатим, мақсадим ва яшаш тарзимга мувофиқ келганлиги учун авлиё шоир башоратига ишондим ва қабри қошида тиловат қилиб, илму ижод борасида қўллаши, раҳнамолик қилишини сўрадим. Ривоят қилишларича, 1389 йили Ҳофиз вафот этганида руҳонийлар унинг жасадини мусулмонлар қабристонига кўмишга қўймайдилар. Шунда шоир девонини олиб фол очганларида айни вазиятга мос келадиган қуйидаги байт чиққан:

***Қадам дареғ мадор аз***
***жанозаи Ҳофиз,***
***Ки гарчи ғарқи гуноҳ аст,***
***меравад ба биҳишт.***

Мазмуни: "Ҳофизнинг жанозасидан оёқ тортма, чунки у ҳарчанд гуноҳга ботган бўлмасин, жаннатга тушади".

Ҳофиз ўзи севган Мусалло боғига дафн этилган ва унинг шарофати билан кейинчалик бу боғ Ҳофизия номини олиб, жаҳон илму адаб аҳлининг зиёратгоҳига айланган. Ҳозирги кунда бу ердан кеча-кундуз шоир мухлисларининг оқими тинмайди.

Деҳлавий "Хамса"сининг бир нусхаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади.

Ўзининг фақирона туриш - турмуши ҳақида жумладан шоир ёзади:

***Фақри зоҳир мабин, ки***
***Ҳофизро,***
***Сина ганчинаи муҳаббати Ўст.***

Мазмуни: Зоҳирига боқиб Ҳофизни фақир билма, унинг қалби Оллоҳ муҳаббатининг хазинасидир.

Машҳур ҳинд шоири ва мутафаккири Муҳаммад Иқбол Ҳофизни буюк сеҳргар, деб атаган эди. Чиндан ҳам дунё адабиётида сўзни Ҳофиздай минг бир мақомда ўйнатган, сўзга минг бир маъно юклаган, сўзни минг бир сеҳру синоат пардасига ўраган яна бир шоирни топиш мушкул. Шарқда ҳофизхонлик бежиз шуҳрат топмаган. Ҳофиз девони мадрасаларда махсус дарслик сифатида ўқитилган.

Ҳофиз шеърлари табиийлиги, самимийлиги, ҳассос бир муҳаббат ва юксак бадииятга йўғрилганлиги, мазмуни теран ва серқатламлилиги, фалсафанинг қуюқлиги, нозик ишораларга бойлиги, услубининг мураккаблиги учун ҳам унга "лисон ул -ғайб" — "ғойибнинг тили" сифатини берганлар. Ўз шеърий даҳосини Ҳофизнинг ўзи ҳам билар эди. Рақибларининг рашку ҳасадларига жавобан шоир шундай деган эди:

***Ҳасад чи мебари, эй***
***сустназм, бар Ҳофиз,***

***На давлати дунёни(нг) ситамга арзир,***
***На лаззати мастликни(нг) аламга арзир,***
***На шодлиги дунёни неча минг йиллик***
***Ул бир неча кун меҳнату ғамга арзир.***

***Қабули хотиру лутфи сухан***
***худодод ҳаст.***

Мазмуни: Эй бўш шеър ёзувчи шоир, Ҳофизга нега ҳасад қиласан? Билмайсанмики, унга фикр қабулию сўз лутфи Оллоҳ томонидан берилади.

Дарҳақиқат, шеър бир илоҳий неъмат бўлиб, шоирлик — илоҳийликка дахлдор. Парвардигори олам шоирларни пари қавмига киритганлиги бежиз эмас. Зеро, шоирлар ҳам халқ ва Ҳақ муқобилида туриб, бир томондан, Оллоҳ таолога бандаларнинг орзу-умидлари, дарду ҳасратларини етказсалар, иккинчи томондан, одамларни камолотга даъват этиб, уларнинг қалбига илоҳий ишқ ва ирфон уруғини сепадилар.

Албатта, Ҳофиз ҳам барча Шарқ шоирлари каби Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан илҳомланган. Лекин унинг ижоди, мана, VII асрдирки, бирёқлама талқин этиб келинмоқда. Гап шундаки, тасаввуф арбоблари уни илоҳий ишқ куйчиси деб талқин қилсалар, Ғарб ва Шўро адабиётшунослари, аксинча, уни дунёвий шоирга чиқариб қўйганлар. Ҳолбуки, шоир ижодида илоҳийлик ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. "Маҳбуб ул - қулуб" асарида Навоий шоирларни гуруҳларга ажратар экан, "сўз билан ҳар қандай чуқур маъноларни ифода қилган" Ҳофизни ўз ижодида ҳақиқат ва мажозни омухта этган шоирлар қаторига қўшган эди.

Фирдавсий — маснавийни, Умар Ҳайём — рубоийни қанчалик такомилга етказган бўлсалар, Ҳофиз Шерозий ҳам ғазални шунчалик юксак пояга кўтарди. Мана, неча асарлардан буён рубоийда бирор шоир Умар Ҳайёмга етолмагани каби ғазалда ҳам ҳеч ким Ҳофизнинг олдига тушолган эмас. "Ғазал ёзиш Ҳофизга мусаллам бўлди", — дейди бу ҳақда Навоий. Ҳофиздан бор-йўғи бир девон мерос қолган. Шуни ҳам унинг ўзи тузмаган. Бу ишни Ҳофиз вафотидан 30-40 йил кейин шоирнинг дўсти ва шогирди Муҳаммад Гуландом амалга оширган. Лекин шу биргина девони билан ҳам у ярим дунёни эгаллади. Шарқда Шероз булбулидан таъсирланмаган шоир йўқ ҳисоби. Чунончи, Навоий ўзининг ғазалиётдаги устозларини санар экан, Хисрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий қаторида Ҳофизни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатади:

***Бири - исонафаслик ринди***
***Шероз,***
***Фано дайрида масту***
***лоуболий.***

Дарҳақиқат, шоир шеъриятида Ҳофиз руҳи, таъсири сезилиб туради. Хусусан, "Девони Фоний"-да бу таъсир бўртиб кўринади. Бугина эмас. У форс тилида Ҳофиз ғазалларига 200дан ортиқ татаббуъ ёзган.

***Ҳарчанд фироқ сендан узоққа солсин,***
***Сабримни юзинг ҳажри дилимдан олсин,***
***Бир бор назарим тушса бўлак юзга агар,***
***Ҳуснинг тузи ҳаққи, кўзларим кўр бўлсин!***

XVIII аср охири-XIX аср бошларидан эътиборан Ҳофиз Ғарб дунёсини ҳам ўзига қаратди. У Ғарб илму адаб аҳлида Шарқ сўз санъатига нисбатан меҳру қизиқиш уйғотди. Хусусан, 1812 йилда Йозеф фон Ҳаммер шоир девонини тўлалигича таржима қилиб, немис тилида нашр этгач, Ҳофизнинг шуҳрати Германияда ортиб кетади. Ўша пайтда Германияда Ҳофиз шеърлари ўқилмайдиган, унинг ижоди устида баҳс юритилмайдиган бирор адабий уюшма ёки тўгаракни топиш қийин эди. Ҳофизга эргашиб ёзилган шеърлар кўпайди, немис адабиётида шарқона шаклдаги шеърлар, ҳатто ғазаллар пайдо бўлди. Буюк Гёте "Ғарбу Шарқ девони"ни яратди. Бу девон Ғарб адабиётига Шарқ руҳини олиб кирди. Гёте ўзини - Ҳотам, маъшуқасини - Зулайҳо атаб, кўплаб шарқона шеърлар ижод қилади. Бу шеърлар девонга "Муғаннийнома", "Ишқнома", "Ҳофизнома", "Темурнома", "Тафсирнома", "Ранжнома", "Ҳикматнома", "Тафаккурнома", "Масалнома", "Ҳулднома", "Соқийнома", "Форсийнома" туркумлари бўлиб кирган. Бу девонни шоир ва мутаржим С.С. Бухорий немисчадан ўзбекчага таржима қилди.

Гёте Ҳофизни "муқаддас Ҳофиз", "ноёб услуб даҳоси" деб улуғлаган бўлса, улуғ немис файласуфи Гегел Ҳофиз ҳақида "гениал санъаткор, гўзал, лаззатли... айни чоқда, исёнкор шеърлар муаллифи" деб ёзган эди.

Рус адабиётида ҳам Ҳофиз катта шуҳрат қозонди. А.Фет: "...қайси тупроқда ва қайси даврда униб - ўсмасин, чинакам шеърият чечаклари асло сўлмайдилар", — деб ёзган эди Ҳофиз шеърларининг таржимаси муқаддимасида. Пушкин Ҳофиз қаламга олган мавзулардан илҳомланиб, "Ҳофиздан" деган туркум шеърлар яратган. М. Лермонтов, В.Жўковский, С.Есенин каби рус шоирлари ҳам "ҳофизона" оҳангларда шеърлар ёзганлар, Ҳофиз ижодини юксак баҳолаганлар.

Ҳофиз қалби оддий қалб эмас, балки бир оташкададир. Ҳофиз ғазаллари шунчаки ғазаллар эмас, ана шу оташкададан бу ёруғ дунё сари отилган учқунлардир. Ҳофиз ғазалларини ўқир экан, бағрингизга бир ўт туташгандай бўлиши бежиз эмас. Гўзалликка ошно бирор бир қалб бу шеърият қошидан бефарқ ўтиб кетолмайди. Бу чашмадан ичиб, маст бўлмаган шеърият мухлиси ҳали учрамаган.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

Ishonch

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 15164 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 714

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - Ҳ.Абдужалилов
Навбатчи муҳаррир - З.Рихсиев
Мусаҳҳиҳ - Д.Комолов
Навбатчи - Р.Орипов

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 23.00